

МЕЪМОРЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ УЛАРНИНГ АСОСИЙ ИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Зойиров Камолитдин Абдухакимович

Жиззах давлат педагогика университети доценти.

Педагогика фанлари номзоди.

kamoliddin.60@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақола архитектура йўналишига ихтисослашган олий ўқув юртларида таҳсил олувчи талабаларнинг шахсий хусусиятлари (техник тафаккур, ижодий график қобилият ва бошқ.)ни ошириш муаммоларига бағишланган бўлиб, унда бу масала ечимининг ҳозирги аҳволи, мавжуд муаммолар, уларни бартараф қилиш йўллари, бу борадаги хорижий тажрибалар атрофлича таҳлил этилган ҳамда қиёсий таққослаш асосида улардан маҳаллий шароитда фойдаланишга оид тавсиялар тезиси баён этилган. Муаллиф малакали архитекторларни тайёрлашда тасвирлаш санъати, жумладан бадий-график ижодкорликнинг, айниқса, ижодий тафаккурнинг бўлажак архитекторлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини илмий асосда ёритиб берган.

Калит сўзлар: ижодий-график қобилият, техник тафаккур, график дизайн, композиция, қаламтасвир.

ABSTRACT. *This article examines the development of personal skills (technical thinking, creative graphic abilities, etc.) in students studying at architectural universities. Using a comparative analysis, the article analyzes the current state of this problem, existing challenges, solutions, and international experience in this area. Recommendations for its application in domestic contexts are provided. The author presents a scientifically substantiated view of the importance of fine art, including graphic arts and, in particular, imaginative thinking, in the training of future architects.*

Keywords: *creative graphic abilities, technical thinking, graphic design, composition, drawing.*

КИРИШ.

Олий таълим жараёнида бўлажак меъморларнинг профессионал тайёргарлигида бадий-график билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш билан бир вақтда уларнинг шахсий хусусиятларини ҳам ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Бу малака ва кўникмалар замонавий меъмор ва тадқиқотчилар ижодий меҳнатининг асосини ташкил этади. Бу билим ва малакаларсиз талабаларда замонавий меъморчиликнинг илмий асосларини эгаллаш, уларда

масалага ижодий ёндошув, ижодий-график тафаккурни ривожлантириш каби профессионал таълимнинг бош масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ:

Олий меъморчилик таълими тизимида меъморлар тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш масалалари архитектура фанлари докторлари А.С.Ўролов, М.Қ.Ахмедов, Х.Пўлатов, О.Салимов, Д.Асқарова ва М.Мирюсуповаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари орқали амалга оширилган. М.Х.Пиримжаров[1] бўлажак меъморларнинг график тайёргарлик тизимини мустақил таълим фаолиятини самарадорлигини ошириш деб билади. Шунингдек, Б.Қулназаров[2] архитекторнинг асосий график фаолият мезони сифатида компьютер графикаси муҳаррирлари деб ҳисоблайди. Дарвоқеи, меъморларнинг шахсий хусусиятлари уларнинг ижодий фаолият мезони сифатида талқин этилмаган.

НАТИЖАЛАР:

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда юқори малакали меъморларни тайёрлаш масаласи уларнинг нафақат касбий йўналишини, балки шахсий хусусиятларини ҳам ривожлантиришни талаб қилади. Бунда меъморларнинг ғоявий дунёқараши, билиш йўналиши барча иш фаолиятида ахлоқий маданиятига катта эътибор берилади.

Меъморларнинг шахсий хусусиятлари – уларнинг асосий иш мезони сифатида қаралади ва қуйидагича белгиланади[3]:

□ касбий - меъморчилик йўналиш: касбий иш қобилияти; муҳандислик этикаси; техник тафаккур; фазовий тасаввур, ижодий қобилият, яратувчанлик; ноанъанавий, янгиликни қабул қилишга тайёрлик; фикрда қатъийлик.

□ ғоявий (дунёқараши) йўналиш: ғоявий собитлик; ахлоқий ва маънавий поклик; ижтимоий мажбурият ва фуқаролик маъсулияти, ижтимоий-сиёсий фаоллик.

□ билиш (фаолияти) йўналиши: илмий эрудиция; билишга ташналик ва қизиқиш; шахсий фаоллик; янгиликни олдиндан сезиш; мустақил таълим олиш фаолиятига тайёрлик (мустақил тафаккур).

Тафаккур фаолиятнинг психологик механизмидир. Билиш фаолияти тафаккур асосида амалга ошади. Тафаккур объектив воқелик акс этадиган, ҳаракат шаклландиган ва билимлар тушунча, мушоҳада, хулоса шаклида ривожландиган фаол жараёндир. Шунга кўра бадиий билимларнинг шаклланиши асосида ижодий тафаккурнинг аста-секин мақсадга мувофиқ ва режали ривожлантирилиб туриши керак. Ижодий тафаккур ишлаб чиқаришда ижодий фаолият жараёнида, муаммо йўсинидаги бадиий ёки ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш жараёнида намоён бўлади. Ижодий фаолиятнинг ўзи ақлий ва амалий компонентларнинг ўзаро таъсиридан иборатдир. Шунинг учун ижодий тафаккур назарий ва амалий характер касб этади. Уларнинг фикрича, фикрлаш операциялари доимо амалий хатти-ҳаракатларга таянади ва уларга

қўшилиб кетади. Шунинг учун конструкциялаш элементларини ўрганишдаги фикрлаш иши доимо қўлларнинг нозик ҳаракатлари билан биргаликда амалга ошиши керак.

МУҲОКАМА:

М.Г.Сливкова ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти психологиясини тадқиқ этиб, у таъкидлаганидек, ижодий тафаккур фаолияти яққол амалий йўналган фаолият бўлиб, фикрлаш операцияларининг аниқлиги ва изчиллиги билан фарқланади. У инсонга тафаккурнинг назарий усулига ўтиш имконини берадиган моделлар ва схемаларнинг аҳамиятини қайд қилган. Унинг таъкидлашича, назарий фикрлашнинг асосий вазифаси объектнинг моҳиятини унинг ривожланишидаги умумий қонуни сифатида ойдинлаштиришдир. “Моделлар - деб ёзади тадқиқотчи, - илмий абстракциянинг ўзига хос шакли бўлиб, унга объектнинг ифодаланган муҳим нисбатлари моддий ёки белги элементларнинг яққол идрок этиладиган ва тасаввур ҳосил қилинган боғланишлари ҳамда нисбатларида мустақамланган умумий ва алоҳида ўзига хос бирлиги бўлиб умумий жиҳатлари биринчи ўринга қўйилган бўлади” [4]

Меъморларнинг ижодий фаолиятида фазовий тасаввур қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Унинг фазовий тасаввур қилиш қобилияти объект чизмаларини тузиш ва чизиш имконини беради. Фазовий тасаввурнинг меъмор фаолиятида қўлланилишининг оддий ҳолати шуки, фазовий объектнинг ортогонал проекциясини, яъни плани, фасадлари, ва унинг перспектив тасвирларини тузишда унинг фазовий тасаввур қилиш қобилияти намоён бўлади. Қўйилган вазифа бўйича меъмор қурилиш объектининг чизмаларини тузади. Лойиҳалаш жараёнида меъмор амалда бўлмаган, аммо тасаввурда ҳосил бўлган янги иншоотнинг чизмаларини тайёрлайди. Фазовий сиртни шакли, тузилмаси ва барча хусусиятлари билан тасаввур қилиш, унинг проекцияларини тузиш фазовий тасаввурни талаб этади. Барча қобилият сингари фазовий тасаввур ҳам инсоннинг мустақил амалий машғулотлари ёрдамида ўсади, ривожланади.

Амалиёт кўрсатмоқдаки, барча кишилар меъморга зарур бўлган даражадаги фазовий тасаввурга эга бўлавермайдилар. Шунинг учун фазовий тасаввурни текшириш меъморнинг профессионаллик лаёқати (компетентлиги)ни текширишнинг лимити ҳисобланади.

Олий таълим тизимидаги кўп йиллик педагогик фаолиятимиз ва илмий-педагогик адабиётлар таҳлили кўрсатмоқдаки, ижодий-график тафаккур ижодий қобилиятларининг намоён бўлишига йўл очади. Уларнинг фазовий тасаввурларни кенгайтириб, лойиҳалашнинг асосини ташкил этувчи чизмаларни ўқиш ва бажариш, объектларнинг эскизи ва иш чизмаларини тузиш, перспектив тасвирларини қуриш каби график саводхонлик малакалари билан қуроллантиради. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, меъморчилик инсоннинг

ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий соҳаси бўлиб, уни ўрганиш талабаларнинг бадиий ва ижодий-лойиҳавий қобилиятини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади[5].

ХУЛОСА. Шундай қилиб, меъморларнинг профессионал ижодий график фаолияти мазмунида бадиий - график билим, малака ва кўникмалар муҳим роль ўйнаб, уларни шакллантиришда архитекторнинг шахсий хусусиятлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Лойиҳалашнинг асосини эса ижодий фаолият ташкил этади. Меъморчилик ва меъморий лойиҳалаш замонавий ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётига мос тушиб, уларнинг шахсий хусусиятлари профессионал тайёргарлигининг зарурий компонентларидан бири ҳисобланади. Замонавий меъморчиликда меъморларнинг иш фаолиятини ўрганиб, унинг мазмунини илмий - таҳлил қилиш бўлажак меъморларнинг касбий тайёргарлик мазмунини ҳозирги замон автоматлаштирилган ишлаб чиқариш талаблари асосида модернизация қилиш (янгилаш, замонавийлаштириш, мослаштириш) заруриятини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР:

[1]. Пиримжаров М.Х. Пиримжаров М..Х. Олий таълим тизимида бўлажак архитекторларнинг график тайёргарлигини такомиллаштириш: п.ф.н. ... дисс. Тошкент. ТДПИ. 2009.- 161 б.

[2]. Зойиров К.А. Узлуксиз таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг график тайёргарлигини жадаллаштириш назарияси ва методикаси. Монография. Тошкент: “Фан ва технологиялар”. 2016. – 118 б.

[3]. Қулназаров Б. Бўлажак архитекторларни тайёрлашда компьютер графикасидан фойдаланиш// Халқ таълими.2004.№4. 115-117бетлар.

[4]. Сливкова М.Г. Сливкова М.Г. Психологические особенности решения конструкторских задач: Автореф. ... дисс... к.псих.н. –М., 1994. -24 с.

[5]. Зойиров К.А. Кидирбаев Б.Ю. Бўлажак меъморнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш - психологик-педагогик муаммо сифатида / Материалы Международной научно-практической конференции (г.Самарканд, 26 августа 2008 г.) на тему: «Проблемы прикладных исследований в социологии и психологии, маркетинге: реалии и возможности». УЗБЕКИСТАН: Самарканд, СамИСИ, МЦОМ. 2008 г.. -34-36 бетлар.